

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Валиев Р.Г. Теория и практика селекции и разведения черных каракульских овец. Докт.дисс., Москва, 1984, 255 с
2. Газиёв А. Селекционно-генетические аспекты эффективного использования потенциала каракульских овец в Узбекистане. “Животноводство, кармороизводство и ветеринария”, №2 Алматы-2007 с.28-30
3. Ескара М.А. Паржанов Ж.А. Ажибеков. А Наследование признаков смушкности каракульских овец черной окраски скороспелого типа жомартовской популяции. Сб. Науг. Трудов ЮЗНИИЖиР. Т.2. Шымкент, 2017, с.79-81
4. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва, 1969. С.125-130
5. Умурзаков Т.У. Исследование генетических причин разнообразия каракульского приплода по типу смушка при однородном подборе родителей жакетного типа. Автореф. Канд.дисс., Чимкент, 1977, 23 с
6. Умурзаков Т.У. Изменчивость признаков и селекция каракульских овец. Алмата, 1992. 232 с.
7. Yusupov S.Yu. va boshqalar, “Qorako‘lchilikda naslchilik ishlarini yuritish va qo‘zilarni baholash (banitirovka qilish) bo‘yicha qo‘llanma”. Toshkent, 2015. 31 bet.

УЎК: 636.32/.38.081:083.37

Сур рангли қоракўл кўзиларда жун толасининг пигментланиш даражасини бошқа хусусиятларга боғлиқлиги

М.В.Ақбарова—таянч докторант

Б.С.Маматов—к.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим,

М.Х.Туранов—к.х.ф.ф.д. (PhD)

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

***Аннотация.** Мақолада сур рангли қоракўл кўзиларида жун толасининг пигментланиш даражасининг кўзилар ўлчами ва рангбаранглигига боғлиқлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар ёритилган.*

***Калим сўзлар:** қоракўл кўйлари, кўзилари, сур ранги, рангбаранглик, жун толасининг пигментланиш даражаси, кўзилар ўлчами.*

***Annotation.** The article presents data from a study of the properties of the pigmentation level of hair of Karakul lambs of suras of various colors and sizes.*

***Key words:** Karakul sheep, lambs, sur coloring, coloring, level of hair, pigmentation, size of lambs*

Кириш. Сур рангли қоракўл кўзиларининг бошқа селекцион белгилари билан бир қаторда жун толаларининг пигментланиш даражаси муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ушбу белгининг кўзилар ўлчами ҳамда уларнинг рангбаранглиги кесимида намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш сур рангли қоракўл терилар товарлик хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кўрсаткичнинг селекцион аҳамияти шундаки, юқори гул кўрсаткичлари шароитида ҳам жун-тола сифатининг қониқарли бўлмаслиги баҳолаш пайтида кўзилар наслини, қоракўл териларининг товарлик қимматлилигини пасайтиради.

Жун толасининг пигментланиш даражаси кўпгина селекцион белгилар билан ўзаро боғлиқликда намоён бўлиши кўпчилик тадқиқотларда ўрганилган. Мазкур белгининг намоён бўлиши ва унинг сифати бошқа муҳим белгилар билан боғлиқ. Бунга гулларнинг

сифат ва ўлчамли кўрсаткичлари, типи, тери тўқимасининг қалинлиги, ранг ва рангбаранглик кўрсаткичлари ҳам у ёки бу даражада таъсир кўрсатади [1].

Тадқиқот манбаи ва усуллари. Тадқиқотлар Навоий вилояти Конимех тумани “Янгиказган нурли диёр” МЧЖ да урчитилувчи тоза зотли сур рангли қорақўл қўйларида олиб борилди.

Тажрибадаги қўзилар туғилгандаги тирик вазни бўйича майда (3,5 кг гача), ўрта (3,5-4,5 кг) ва катта (4,5 кг дан юқори) гуруҳларга ажратилиб, рангбарангликлар (кумушсимон, тилласимон, олмос) кесимида жун толасининг пигментланиш даражаси ўрганилди. Қорақўл қўзилари рангбаранглиги, рангнинг жун толаси бўйлаб тўқ асосидан пигментсиз учки қисмига ўтиш кескинлиги органолептик усулда аниқланди. Қўзиларда селекцион белгиларни баҳолаш “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма” га [2] биноан амалга оширилди. Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида математик ишлов берилди [3].

Тадқиқот натижалари. Жун толасининг пигментланиш даражаси жун толасининг пигментланган ва депигментланган қисмларининг нисбатига боғлиқ. Оптимал пигментланиш даражаси 1/3 нисбат бўлиб, бунда жун толаси узунлигининг учдан бир қисми турли даражада пигментсизланади. Қайд этилган кўрсаткич қўзиларда бошқа селекцион белгиларнинг намоён бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Рангбаранглик сур қорақўл қўйлари селекциясида муҳим аҳамиятга эга бўлган белги ҳисобланади. Сур қўйларида учрайдиган кумушсимон, тилласимон, бинафша, қорасур рангбарангликлари селекцион жиҳатдан турли қимматликка эга. Улар орасида энг қимматлилари ва кўп учрайдиганлари ҳамда ирсий жиҳатдан мустаҳкамланганлари кумушсимон, тилласимон ва олмос рангбарангликларидир.

Тадқиқот натижаларини таҳлил давомида қўзилар ўлчами ва рангбаранглигининг жун толасининг пигментланиш даражасига сезиларли таъсири, яъни боғлиқлиги ҳамда уларнинг маълум ўзгарувчанликка эга бўлиши кўзга ташланади.

Тадқиқотлар давомида жун толасининг пигментланиш даражасининг қўзилар ўлчами ва рангбаранглигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли йирикликдаги қўзилар жун толаларининг пигментланиш даражаси, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Пигментланиш даражаси	Қўзилар ўлчами		
	Катта (n=190)	Ўрта (n=81)	Майда (n=64)
Кумушсимон (n=247)			
1/3	48,3±3,17	45,9±3,17	56,1±3,15
1/4	18,6±2,47	19,7±2,53	12,2±2,08
2/4	20,0±2,54	22,9±2,67	19,5±2,52
2/5	13,1±2,14	11,5±2,02	12,2±2,08
Тилласимон (n=29)			
1/3	35,7±8,89	42,8±9,18	37,5±8,98
1/4	21,4±7,61	28,6±8,39	25,0±8,04
2/4	14,3±6,50	14,3±6,50	12,5±6,14
2/5	28,6±8,39	14,3±6,50	25,0±8,04
Олмос (n=33)			
1/3	54,6±8,66	60,0±8,52	50,0±8,70
1/4	22,7±7,29	20,0±6,96	16,6±6,47
2/4	13,6±5,96	20,0±6,96	33,4±8,21
2/5	9,1±5,00	-	-

Олинган маълумотлар қўй жуссасининг ўлчами ва рангбаранглиги турлича бўлган қўзиларда жун толалари пигментланиш даражасининг намоён бўлишига маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланди. Ушбу ҳолатда жун толалари 1/3 нисбатда пигментланган қўзилар катта ўлчамли қўзиларда 35,7-54,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичнинг ўрта ўлчамли қўзиларда 42,8-60,0%, учинчи гуруҳда эса 37,5-56,1 фоиз атрофида бўлгани қайд этилди.

Таъкидлаш лозимки, жун толалари пигментланиш даражасининг тўқлашуви улар узунлигининг қисқариб бориши ҳисобига териларда гул сифатининг яхшиланишига олиб келади. Ўрганилган кумушсимон, тилласимон ва олмос рангбарангликларида жун толаларининг пастки қисмининг турли даражада пигментланиши билан характерланади. Бунинг ҳисобига уларнинг бошқа селекцион белгиларнинг намоён бўлишига кўрсатадиган таъсири ҳам турлича бўлади. Гавдасининг йириклиги турлича бўлган кумушсимон рангбаранглигида жун толаларининг пигментланиш даражаси 1/3 нисбатдаги қўзиларда 45,9-56,1 фоиз, тилласимон рангбаранглигида 35,7-42,8 фоиз атрофида бўлиб, олмос рангбаранглигида энг юқори кўрсаткичлар қайд этилди (50,0-60,0%).

Хулоса. Тадқиқот натижалари бўйича хулоса қилиш мумкинки, сур рангли қорақўл қўзиларида жун толалари пигментланишининг намоён бўлишига рангбаранглик ва гавдасининг йириклиги маълум миқдорда таъсир кўрсатади, бу ҳолатни селекция жараёнида инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маматов Б.С. Связь степени пигментации волос с их качеством и длиной у каракульских овец окраски сура //Азиатский журнал многомерных исследований (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 9. – С. 120-124.
2. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. «Колос», 1969, с. 10-14; 54-113.
3. Юсупов С.Ю., Газиев А., Бобокулов Н.А., Юлдашов Н., Фазилов У.Т., Ҳакимов Ў.Н. ва бошқалар. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент.: 2015. 31 б.